

Meros

№ 2/2022

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

Каримова С. Абу Райҳон Беруний “Китоб ас-сайдана фи-т-тибб” асари форсча таржимасининг қўлёзмалари ҳақида..... 3
Абдуҳалимов Б. Образцы залоговых документов из энциклопедии Абу Хафса ан-Насафи 11
Тошов Н. Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонгушо” ва Рашидиддиннинг “Жоме ат-таворих” асарлари қиёсий тадқиқи 16
Бўриев О. Ҳофиз Шерозий дастхатидаги энг қадимги қўлёзма..... 26
Якубов Қ. Хива хонлиги фатво ҳужжатлари: репрезентация, қозилик амалиёти ва манбашунослик таҳлили ……..... 30

ТАРИХШУНОСИК

Алимова Д. Некоторые вопросы историографии социально-экономических отношений древнего и античного периодов Узбекистана..... 45
Абдурасулов Х. Мясная торговля в Туркестанском генерал-губернаторстве во второй половине XIX – в начале XX века 59

АРХЕОЛОГИЯ

Шомукарамова Ф. Тасодифий топилмалар – Туркистон археологиясининг дебочаси..... 69

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Ходжаева Р. Аллома Имом Замахшарий мақомаларининг маънавий-эстетик хусусияти ва тарбиявий аҳамияти..... 82
Эшонова С., Зокирова Д. Фироқий Хўқандийнинг туркий девони хусусида 88

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Алимова Л. Конфуцианские традиции в Южно-Корейском обществе..... 100
Каримова Н. «Сиюй шуйдао цзи» Сюй Суна, как особый вид сочинений по исторической географии Центральной Азии второй половины XVIII века 108
Акрамова Ш. Стратегия Дэн Сяопина по модернизации Китая 117

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти
Илмий кенгашининг 2022 йил 26 октябрдаги 6-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов *(Бош муҳаррир)*
Сурайё Каримова *(Бош муҳаррир ўринбосари)*
Салимахон Эшонова *(Масъул котиб)*
Наталья Каримова *(Рус тили муҳаррири)*
Акрам Ҳабибуллаев *(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)*
Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин *(Германия)*
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек *(Туркия)*
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон: *(8 371) 262-54-61,*
Факс: *(8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

--.--.2022 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 1/16. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 8,25. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №: -- . ЎзРФА “Фан” нашриётида нашр этилди.

A. Buriyev

The most ancient manuscript in the autograph of Hafiz Shirazi

The article provides information about the writings placed in the manuscript "Khamsa" by Amir Khusraw Dehlavi, rewritten by the famous Persian poet Hafiz Shirazi (this manuscript is kept in the fund of the Institute of Oriental Studies named after Abu Raykhan Beruni, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan). In it, readers receive information about Sadr Ziyo, a well-known representative of spiritual culture, whose collection this manuscript belongs to, the antiquity of its date and information about it as an autograph, the handwriting of the manuscript: naskh and suls, as well as information about the copyist, the paper on which the text was written and the binding.

Key words: *Oriental manuscripts, writings autographs, paper, handwriting, ancient manuscripts, poetic compositions in Persian.*

Қ. Якубов

Хива хонлиги фатво ҳужжатлари: репрезентация, қозилик амалиёти ва манбашунослик таҳлили

Фатво ҳужжатлари Хива хонлиги ҳуқуқ тизими ва қозилик амалиёти тарихини ёритувчи бирламчи манбалар сирасига киради. Мазкур турдаги тарихий ҳужжат минтақада *ривоят*[1] номи остида машҳур бўлиб, у Ислом ҳуқуқшунослиги соҳасидаги мутахассис – *муфтий* томонидан муайян (одатда мураккаб ва баҳсли) масала бўйича чиқарилган ҳукмни акс эттирган. Ўз навбатида, кишилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар қатори минтақа вақф мулкчилигининг ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этишда ҳам бу турдаги тарихий ҳужжатлар муҳим ва қимматлидир.

Мақола доирасида Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган вақф масаласига оид фатво ҳужжатининг манбавий таҳлили ҳамда у орқали Хива хонлигида вақф таъсис этиш ҳақидаги ҳужжат – *вақфнома*ни қайта тиклаш тартибига эътибор қаратилади. Мақола таркибий жиҳатдан уч қисмдан иборат бўлиб, аввалги қисмда муаммонинг баъзи жиҳатларини ёритувчи адабиётлар таҳлили

[1] “Ривоят” ва “фатво” ўртасида кичик бир фарқ мавжуд бўлиб, ҳукм лойиҳаси ҳисобланган “ривоят” муфтий томонидан муҳр орқали тасдиқлангандан кейингина “фатво” номини олган. Қаранг: [18: 15].

келтирилади. Иккинчи қисмда Хоразм суд тизими [1] амалиётида муфтийлар фаолиятига ва якунида эса фатво ҳужжатининг ички манбашунослик тадқиқи ҳамда вақфномани қайта тузиш шартлари ҳақида тўхталиб ўтилади.

Муаммо тарихшунослиги. Бугунги кунга қадар Хива хонлиги фатво ҳужжатлари асосан икки жиҳатдан алоҳида ўрганилган. Биринчи турдаги адабиётлар таркибига А.Вамбери (1832–1913), А.Кун (1840–1888), В.Гиршфельд (1865–1930) каби муаллифлар тадқиқотларини киритиш мумкин [2; 1; 3: 27–32]. Уларда фатво чиқаришга лаёқат ва ҳуқуқи бўлган муфтийлар фаолияти диний бошқарув ва қозилик тизими доирасида ёритилган. Мазкур гуруҳга мансуб тадқиқотлар ушбу масала борасида мавжуд маълумотларнинг баъзан шахсий кузатув ва гоҳида суриштирув орқали оғзаки тарзда тўпланган билан ажралиб туради. Рус шарқшунос олимлари ва ҳарбий маъмурлари томонидан бундай маълумот йиғиш жараёни бевосита мустамлака сиёсат табиати ва империя лойиҳалари билан тўғридан-тўғри боғланган эди. Шунингдек, ушбу тадқиқотларнинг аксариятида муаллифларнинг “ориенталистик” [2] қарашлари ҳам сезилиб турарди. Масалан, А. Вамбери баъзи низолар нафақат қозилик маҳкамаси, балки хон ҳузурида ҳам ҳал қилиниши ҳақида тўхталади ва Хива хонининг, айниқса, эр-хотин ўртасидаги ўзаро жанжалларни ҳузурланиб қаҳ-қаҳа отган ҳолда кузатишини қайд этади [2: 167]. Лекин мазкур маълумотнинг ишончлилиги кишида, табиийки, шубҳа уйғотади. Худди шундай руҳ ва ёндашув тез-тез учраб турувчи бошқа бир тадқиқотда рус ҳарбий маъмурларидан А.Галькин (1855–1920) ва В. Гиршфелд қозилар хон томонидан тайинланишини эътироф этиб, улар томонидан чиқарилган суд ҳукми, ҳатто у баъзан шариатга хилоф бўлса ҳам, аввало, хон манфаатидан келиб чиқишини алоҳида таъкидлайди [3: 29]. Эҳтимол, муайян қози фаолиятида бундай номақбул ҳаракат кузатилгандир, лекин бу

[1] Бу ибора орқали ўтроқ аҳоли учун амалда бўлган, Ислом ҳуқуқшунослиги асосига қурилган қозилик амалиёти назарда тутиляпти. Ўз навбатида, Хива хонлиги таркибида бўлган туркман, қозоқ ва қорақалпоқ аҳолиси учун турли кўринишдаги судлов тизими амал қилган ҳамда баъзан уларнинг қозилик судларига ҳам мурожаат қилиб туриш ҳолатлари ҳам кузатилган. Батафсил қаранг: [3: 27–28].

[2] Бир томондан, “ўзгалар” тарихини фақат “биз” ёза оламиз, улар “репрезентация”га муҳтож, деган қараш асосида шарқ жамиятини “ҳаққоний” тавсифлашга уриниш, иккинчи томондан эса шарқ жамиятини ғарблик мутахассислар томонидан ёритиш жараёнида унинг қолоқ ва маданияти паст жамият эканлигини уқтириш билан боғлиқ назария. Худди шу назариянинг амалдаги ифодасини аксарият рус шарқшунослари ва ҳарбий маъмурларининг асарларида ҳам учратиш мумкин. “Ориентализм”нинг постколониал назария сифатидаги мазмуни, унинг шакллари ҳақида батафсил қаранг: [19: 4–9].

ҳолатни умумий тарзда барча қозилар учун хос бўлган, деб баҳолаш ҳақиқатга тўғри келмайди. Умуман олганда, мазкур адабиётлар бундай таъсир ва қарашлар остида, репрезентатив характерда ёзилганига қарамай, қозилик тизими ҳамда унинг кўпинча чамбарчас бўғини сифатида намоён бўлувчи муфтийлик фаолияти тарихини қайта тиклашда ёрдамчи манба вазифасини ўтайди.

Иккинчи туркум адабиётларида эса фатво ҳужжатлари манбашунослик таҳлили нуқтаи назаридан тадқиқ қилинди. Хусусан, совет даврининг шарқшунос олимларидан О.Чеховичнинг (1912–1982) Ўрта Осиё дипломатикаси муаммолари ва вазифаларига бағишланган махсус мақоласида тарихий ҳужжатлар тури, уларнинг тасниф ва умумий тавсифи келтирилиб, ривоят ҳужжати ҳамда унинг мазмунига қисқача эътибор қаратилган. Ўз навбатида, мазкур тадқиқотда бевосита Хива хонлигига оид ҳужжатларга урғу берилмаган бўлиб, олима Ўрта Осиё ҳужжатшунослигининг долзарб масалаларига умумий минтақавий контекст асосида тўхталади. Бироқ у фатво ҳужжати ва умуман фиқҳий иборалар ҳамда формулалар талқини, мазмун-моҳиятини алоҳида тадқиқот объекти сифатида атрофлича ўрганмаган. Мазкур муносабат сабабини икки жиҳатдан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, ушбу мавзу оддийгина хулосалаганда унинг илмий қизиқишлари доирасига кирмаган, деб ҳисоблаш мумкин. Иккинчидан эса, совет давлатининг диний соҳадаги сиёсати шариат масаласи ҳисобланган фатво ҳужжатларининг тадқиқотига ҳам маълум даражада тўсқинлик қилган ва натижада О.Чехович каби совет даври манбашунос олимлари бу соҳада деярли илмий изланиш олиб бормаганлар[1]. Бундай хулосанинг далили сифатида олиманинг ҳатто вақфномалар манбашунослиги бўйича етук мутахассис бўлишига қарамай, муаммонинг ҳуқуқий жиҳатига етарли даражада эътибор қаратмаганини келтириш мумкин.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистонда сўнгги йилларда қозилик ҳужжатлари ва бошқа турдаги ҳуқуқий актларни каталог тарзида чоп этиш анъанаси манбашуносликнинг алоҳида йўналиши сифатида янада ривожланди. Натижада, иккинчи гуруҳга мансуб адабиётлар доираси кенгайиб, тарихий ҳужжат манбашунослигининг илмий тавсифлаш билан боғлиқ янгича услуб ва тамойиллари шаклланди. Соҳа тараққиётига А.Ўринбоев, К.Исогай, Э.Каримов, Н.Тошев ва Т.Вельсфорд каби олимлар ўз тадқиқотлари билан катта

[1] Сўнгги мақолаларидан биридагина олима жамиятда кечган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ўзгаришларнинг Ўрта Осиё фиқҳий манбаларидаги ҳукмларга таъсирини тадқиқ қилган. Қаранг: [7].

ҳисса қўшдилар. Ана шундай каталоглар таркибида бошқа тарихий ҳужжатлар қатори фатво ҳужжатлари ҳам муайян ишлаб чиқилган тамойиллар асосида қисқача тавсифланди[1]. Ушбу нашрлар фатво ҳужжати ҳақида умумий тасаввур бериш билан кифояланса-да, бироқ уларнинг кейинги тадқиқотлар учун асос вазифасини бажарганини ҳам эътироф этиш ўринлидир. Шу ўринда манбашунослик тадқиқотлари орасида япониялик олим К.Исогай томонидан эълон қилинган илмий хулоса бевосита мавзу юзасидан амалга оширилган махсус изланиш эканлигини алоҳида қайд этиш лозим. Жумладан, унинг тадқиқотига бирламчи манба сифатида 7 та Самарқанд фатво ҳужжатлари жалб этилиб, унда муаллиф мазкур турдаги ҳужжатларнинг ички тузилиши, уларда кўтарилган мерос масаласининг ҳуқуқий асослари ва суд тизимида муфтийлар функцияларини очиб беришга ҳаракат қилган [15]. Мазкур изланишнинг эътиборли томони ва ушбу йўналишда яратилган аввалги адабиётлардан фарқли жиҳати бу фатво ҳужжатида келган турли иборалар шарҳи ва ҳужжат матни таржимасининг тўлиқ берилганлигидир. Бироқ ушбу тадқиқотда у ёки бу фатво ҳужжатининг қози томонидан қабул қилиниши орқали унинг амалиётга татбиқи борасида якуний хулоса акс этмаган. Шу ўринда, Хива хонлиги мисолида ҳеч бўлмаса шундай контекстдаги тадқиқот ҳанузгача мавжуд эмаслигин қайд этиш лозим[2].

Суд амалиётида муфтийлар фаолияти. Ислом тарихида мусулмон аҳолиси орасида юзага келган диний ва ижтимоий-иқтисодий низолар ҳамда муаммолар ечими секин-аста қозилик фаолиятининг институциялашув жараёнига олиб келди. Ўз навбатида, мазкур жараён ўз доираси ва кўламига ислом ҳуқуқшунослиги бўйича мутахассис бўлган муфтийларни ҳам қамраб олди. Бу эса, муфтий лавозимини суд тизимининг ажралмас бўғини ва элементи сифатида тадқиқ этиш эҳтиёжини келтириб чиқаради.

Мусулмон жамиятида IX аср бошларига келиб, қозилик фаолиятининг институциялашуви ўз ниҳоясига етди [13: 51]. Қозилик маҳкамаси шаклланишининг илк босқичида унинг таркибий тузилиши ва ходимлар бирлиги асосан қози ва (бир неча) котибдан ташкил топган бўлса, кейинчалик у кенгайиб, ўзида яна бошқа турли лавозимларни бирлаштирувчи доимий суд аппарати ҳолига келди. Хусусан, VIII аср

[1] Масалан, шарқшунос олимлар А.Ўринбоев ва Т.Харикава умумий раҳбарлиги остида тузилган каталогда 30 дан ортиқ, Э.Каримов тадқиқотида 8 та ва Н.Тошев ҳамда Т.Вельсфорд ҳамкорлигида чоп этилган каталогда эса 87 та фатво ҳужжати ўрин олган. Батафсил қаранг: [5; 4; 23].

[2] Бухоро амирлигининг Манғитлар сулоласи давридаги қозилик маҳкамаси фаолияти М.С. Юсупов томонидан алоҳида тадқиқ этилган. Қаранг: [8].

бошларида қозилар ҳукм чиқаришдан олдин фақиҳ ёки муфтийлардан маслаҳат олиши талаб қилина бошлаган бўлса, ушбу асрнинг 40-йилларига келиб қозилик амалиётида улар хизматидан фойдаланиш доимий тус ола бошлади. Шунингдек, VIII аср ўрталарига келиб қозихонада доимий асосда ишловчи ва турли вазифаларни бажарувчи *гувоҳ* ёки *вакил*лар ҳам пайдо бўлди [13: 51–52]. Таъкидлаш лозимки, муфтийлар қозилик аппаратининг бир бўлагига айлангунига қадар мустақил, якка ва норасмий тартибда фаолият юритган эди [22: 74]. VIII асрда шаклланган, ўз таркибида муфтий(лар)дан иборат қозихона маҳкамалари мусулмон ўлкаларида мустамлака тузум қарор топгунгача бўлган даврда ўз аҳамияти ва илк таркибий тузилиш хусусиятини деярли сақлаган ҳолда, нисбатан ўзгаришсиз етиб келди.

Ўз навбатида, бизнинг тадқиқотимиз марказий мавзуларидан бири бўлган Хива хонлигининг Қўнғиротлар сулоласи ҳукмронлиги даврида (1770–1920) қозилар ва қозихона фаолияти ҳақида гап кетганда, уларнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, муайян сиёсий муҳит шароитида қозиларнинг ваколати ва судлов фаолиятини амалга оширишдаги роли ўзгариб турган. Масалан, Арабшоҳийлар даврида (1511–1770) судлов ва ҳукм ишлари тўла қозилар ваколати остидаги масалалар ҳисобланган бўлса, янги сулола – Қўнғиротларнинг ҳокимиятга келиши билан уларнинг бу соҳадаги фаолияти анча чеклаб қўйилган эди. Бундай ҳолат Қўнғиротлар сулоласи вакилларининг марказий бошқарув тизимини яратиш борасидаги сайъ-ҳаракатлари натижаси ўлароқ юз берган [21: 10]. Баъзи рус муаллифлари хонликда олий суд ҳокимияти Хива хонига тегишли бўлганлигини алоҳида эътироф этганлар [3: 27]. Бироқ гарчи давлатни идора қилиш услубида бу даврда хонликда ўзгариш кузатилган бўлса-да, бироқ судлов ва ҳукм ишлари ҳақидаги мазкур хулосаларни аввало фиқҳий манбалар ва Арабшоҳийлар даврига оид қозилик ҳужжатларини тадқиқотга жалб этмай туриб тўла қабул қилиб бўлмайди[1]. Бу масалада якуний хулосага келиш учун мазкур мавзуда махсус тадқиқотларни амалга ошириш талаб этилади.

Манбаларда Қўнғиротлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Хива хонлиги бошқарув тизими таркибидаги диний мансаблар ҳақида ҳам

[1] Бир томондан мазкур даврга оид қозилик ҳужжатларининг афсуски жуда кам сақлангани ва қозилик амалиёти борасида марказий ҳокимият билан муносабатларни акс эттирувчи (девонхона) ҳужжатларининг ҳалигача аниқланмагани ушбу мавзуда тадқиқот олиб бориш ва якуний хулосага келиш жараёнини мураккаблаштиради.

маълумотлар учрайди. Диний мансаб ва лавозимлар орасида энг олийси *нақиб* бўлиб, у амалда А.Вамбери таъбири билан айтганда “Константинополдаги шайх ал-ислом билан битта қаторда турувчи лавозим ҳисобланган” [2: 165]. Бироқ ўлкага кейинроқ ташриф буюрган рус шарқшуноси А.Кун ўша даврда амалда бўлиб турган мансаб ва лавозимлар рўйхатида *нақиб*ни тилга олмай, балки *шайх ал-ислом* мансабини қайд этади [1: 1об]. Ўз навбатида, Қўнғиротлар сулоласи сарой тарихчилари асарларига мурожаат этилса, хонликда нафақат *нақиб*, балки *шайх ал-ислом* лавозими ҳам амал қилганлигининг гувоҳи бўламиз[1].

Хорижий муаллифлар маълумотларига кўра, диний мансаблар иерархиясида кейинги навбатда қози-калон, қози-ўрда/аскар, аълам, раис ва муфтий кабилар ўрин эгаллаган [2: 166; 1: 1об]. Шу ўринда, олий қозилик мансаби ҳақида сарой муаррихи Муҳаммадризо Огаҳийнинг “Жоме ал-воқеоти султоний” асарида келган қуйидаги парча [2] эътиборга моликдир: *“...Қози Юсуф эшонниким, қозийи аскарлик мансабига мансуб эди, Хивақ дорул-қазосида қозикалонлик маҳкамасида маснаднишин қилиб барча уламо орасида мумтозлик еткурдилар...*” [16: 177]. Мазкур қайдда қози Юсуф эшон эгаллаб турган қозиаскар лавозимидан хоннинг амрига мувофиқ қозикалонликка кўтарилгани акс этган. Бироқ, бу даврга оид Хива хонлигида яратилган маҳаллий манбалар, хусусан, қўлёзма асарлар ва тарихий ҳужжатларда *қозиўрда* лавозимини ҳанузгача учратмадик. Балки ушбу лавозим сайёҳ А.Вамбери ва кейинги рус муаллифларининг ўзлари томонидан бошқа мусулмон ўлкалари бошқарув тизимидан келиб чиқиб қиёсий қўлланилган дефиниция бўлиши ҳам мумкин.

А.Кун аълamнинг вазифаси ва унинг муфтийлар билан хизмат муносабати ҳақида қуйидагиларни қайд этади: *“Аълам – барча муфтийлар бошлиғи ҳисобланиб, унинг вазифаси ҳукм[қисми]да шариатдан олинган иқтибосларни текширишдан иборат. У ўз муҳри билан келтирилган шаръий асослар тўғрилигини тасдиқлаган”* [1: 6об]. Дарҳақиқат, биз аниқлаган фатво ҳужжатларида муфтий билан бирга кўпинча аълам муҳри ҳам учрайди. Ҳатто 2 та ҳужжат биттадан муҳр билан тасдиқланган бўлиб, улар иккиси ҳам аълamга тегишлидир

[1] “Нақиб” лавозими ҳақида қаранг: [16: 133, 168, 169]; “шайх ал-ислом” лавозимининг хонлик бошқарув тизими таркибида мавжуд бўлганлиги борасида қаранг: [17: 33, 59, 110, 113, 121, 150].

[2] Мазкур парча ва кейинги ўринларда келган ҳужжат матнидаги эски ўзбек тилидаги жумлалар замонавий ўзбек тили қоидаларига мослаштириб берилди.

[10: 16, 27]. XIX аср иккинчи ярмида хонлик пойтахти Хива шаҳрида аълам қўл остида 5 та муфтий фаолияти йўлга қўйилган эди. Шунингдек, Хива хонлигининг бошқа йирик шаҳарларида 1 тадан муфтий лавозими ҳам жорий этилган [2: 166]. Ўз навбатида, муфтий қозининг ҳуқуқшунос-маслаҳатчиси сифатида қози томонидан муайян ишни кўриш чоғида фатво ҳужжатини тузиш ва унда келтирилган фиқҳий кўрсатма тўғрилигини ўз муҳри билан тасдиқлаган [1: 7]. Демак, фатво ҳужжати муфтий томонидан тузилиб, унда нафақат муфтий, балки одатда аъламнинг муҳри ҳам талаб этилган.

Хонлик ҳақида маълумот тўплаш ишига жалб этилган рус ҳарбий маъмурлари келтирган бошқа бир қайдга кўра, шариат аҳкомларини қозилик ҳукмига нисбатан қўллаш ва шу асосда якуний қарорга келишда қозилар қўл остида фаолият юритган муфтийлар асосий ролни ўйнаган. Ўз навбатида, турли мулкий, фуқаролик ва бошқа масалаларда тортишаётган томонлар хонлик олий қозилик маҳкамасидан ҳам ривоят олиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Масалан, XIX аср охири – XX аср бошларида мамлакат пойтахти Хива шаҳрида *қозикалон* ва *қозиўрда* олий қозилик лавозимлари мавжуд бўлиб, улар ҳар бирининг қўл остида биттадан аълам ва ушбу аъламга бўйсунувчи бир неча муфтийлар фаолият юритган. Шунингдек, хонлик қозилик маҳкамасида фаолият юритмайдиган, лекин фиқҳ бўйича мутахассис бўлган шахслар ва ҳатто бошқа қўшни ҳудудлар муфтийларининг ривоятлари ҳам судлов жараёнида қабул қилинган [3: 30–31]. Шундай қилиб, мазкур қайдлар асосида Хива хонлигида судда қатнашувчи икки томон кўрилаётган масала юзасидан ўзи истаган муфтийга мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлган, деб хулосага келиш мумкин.

Шу ўринда табиий савол туғилади. Самарқанд фатво ҳужжатлари каби Хива хонлигида ҳам ўзаро низолашаётган шахслар томонидан битта масала бўйича икки хил ечим акс этган фатво ҳужжатлари тақдим қилинганда жараён қандай якунланган? Мазкур масалага жавоб бўла олиши мумкин бўлган бир ҳужжат эътиборимизни тортди. Бошқа бир ҳужжатлар тўпламидан ўрин олган фатво ҳужжатида сув масаласида тортишаётган иккита қавм ҳақида маълумот баён этилиб, бир томон манфаатига хизмат қилувчи ҳукм келтирилган [5: 16*а*, 16*б*]. Аҳамиятли жиҳати, худди шу фатво ҳужжатининг орқа томонида мазкур ҳукм асосида қозининг ҳал қилув қарори эълон қилинган. Мазкур ҳужжатдан келиб чиқиб, ўзаро низолашаётган томонлар келтирган фатво ҳужжатлари қози бошчилигидаги маҳкама аппаратидаги аълам ва муфтийлар томонидан текширилгани ҳолда уларнинг энг мақбули танлаб олинган,

деган тахминга бориш мумкин. Қабул қилинган фатво ҳужжатининг орқа томонига эса масала моҳияти ҳамда унинг қози томонидан чиқарилган ҳал қилув қарори акс этган.

Фатво ҳужжати (ривоят). Ўзбекистон Миллий архивининг "Хива хони девонхонаси" деб номланган И-125-фонд йиғмажилдларидан бирида Хива хонлигига оид фатво ҳужжатларининг намуналари сақланади [10]. Йиғмажилд таркибидан жами 33 та мазкур туркумдаги ҳужжатлар ўрин олган бўлиб, уларнинг 5 таси вақф мулкчилиги билан боғлиқ масалаларга оиддир. Мазкур фатво ҳужжатларидан 4 таси эски ўзбек тилида[1] ва биттаси форс тилида тузилган. Ушбу мақола доирасида илмий истеъмолга тортилган фатво ҳужжати матни эски ўзбек тилида бўлиб, унда айрим арабча ва форсча сўз ҳамда жумлалар ҳам учрайди. Ўз навбатида, матндаги стилистик хусусият ва сўз қурилиш услубининг таҳлили ушбу фатво ҳужжати гўёки форс тилида битилган бошқа бир шу турдаги ҳужжат асосида тузилганлигига ва унинг калкаланган шаклига ишора қилади. Шунингдек, ҳужжатда акс этган саволнинг жавобини асослаш учун фиқҳий асардан олинган кўрсатманинг ўз асл ҳолича, яъни араб тилида келтирилганлигидир. Фиқҳий кўрсатманинг араб тилида берилиши нафақат Хива хонлиги, балки умуман Ўрта Осиё фатво ҳужжатларига хос бўлиб, мазкур анъана XX асрнинг 20-йилларигача давом этган [20: 236].

Фатво ҳужжатлари ички тузилиши жиҳатидан ҳам ўзига хосликка эга бўлиб, у *инвокация*, яъни Аллоҳ номини зикр этиш ва Ислом оламида машҳур фақиҳларнинг қўйилган масала борасидаги фикрларини сўраш билан бошланган[2]. Одатда шартли равишда икки иборадан ташкил топган ушбу кириш қисми ҳужжатда каллиграфик усулда акс этган. Кейинги ўринда ҳужжат шартли формуляринг асосий қисми, яъни *наррация*да кўтарилган масала моҳияти ва у билан боғлиқ савол(лар) аниқ баён қилинган. Шундан кейин қисқа жавоб акс этган. Ўз навбатида, юқорида қайд қилинганидек, берилган қисқа жавобнинг фиқҳий асослари ҳужжатнинг юқори ўнг томон ҳошия қисмида жумла ҳолида келтирилган ҳамда ундан кейин ушбу шаръий кўрсатма олинган фиқҳий асар номи қайд қилинган. Матннинг

[1] Хива хонлигининг бу даврдаги адабий тили тадқиқотларда турлича, хусусан, "(кейинги) чиғатой тили", "эски ўзбек" ва "Трансоксиана туркийси" деб номланган. Қаранг: [16: IV].

[2] Япониялик олим К.Исогай барча Ўрта Осиё фатво ҳужжатлари айни ўхшаш ички тузилишга эга бўлиб, уларда бир хил формулалар акс этганини таъкидлайди. Бироқ Хива хонлигига оид фатво ҳужжатлари формулаларида жузъий бўлса-да, фарқ кўзга ташланади. Шунингдек, К.Исогай тадқиқотида айрим арабий сўзлар транслитерациясида баъзи хатолар учрайди. Қаранг: [15: 262].

корроборация қисмида баъзан бир шахс муҳри ёки айрим ҳолларда бир неча кишилар муҳрларини учратиш мумкин. Фатво ҳужжатининг ички таркибий тузилишидан *эсхатакол*нинг *датум* қисми, яъни ҳужжат санаси ўрин олмаган. Қуйида бу турдаги ҳужжат ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун танлаб олинган вақфга оид фатво ҳужжатининг тўлиқ таржимасини келтирамиз:

“Буюк Оллоҳнинг зикрини шарафлаган ҳолда [бошлайман]: ислом имомларининг, Аллоҳ Таоло улардан рози бўлсин, фикри [бу ҳақида] нима? Бу масаладаки, тақдир тақозоси билан фалон вақф қилинган [ер]нинг вақфномалари йўқ бўлиб, унинг вақф эканлигига бир неча одамлар “лафз-и ашҳад”[1] билан хабар берсалар, шариат бўйича шу ҳолатда мазкур одамларнинг “лафз-и ашҳад” билан хабар берганлари “биллаҳил-алиййил-азим”[2] демасалар ҳам қасам бўлиб, ушбу хабарлари билан мазкур ер вақф бўлиб, унинг шартлари, даромадлар тақсимоти ва [вақф еринг] фойдала-нувчисини тайин қилиш ҳамда вақфнома тузиш ҳам Ислом қозисига етишурму?[3] Шу шароитда[мумкин]ми ёки йўқми? Баён қилинглар, савоб оласизлар: етишур” [10: 1].

Ҳужжатнинг юқори ўнг ҳошия қисмида:

“Биллаҳи”ни айтмаса ҳам “лафзи ашҳад”[нинг ўзи] қасамдир[4]. Жоме ал-фатово[5]; Шартлари номаълум вақфнинг томонларини белгилаш ва даромадларини тақсимлаш султоннинг фикрига кўра [амалга ошади] ёки қозининг ихтиёрида бўлади. Жоми ал-фатово [10: 1].

Муҳрлар:

1) Домулла Исмоил Хожа охунд ал-муфтий ибн Бобо Хожа марҳумий, 1340; 2) Домулла Муҳаммад Собир махзум охунд ва раис ибн Қози Муҳаммад Латиф Эшон марҳумий, 1338; 3) Домулла Абдуллоҳ сўфи охунд ал-муфтий ибн Домулла Эшмурод марҳумий, 1337; 4) Домулла Обид Хожа охунд аълам ибн Ҳожи Хожа марҳумий, 1338 [10: 1].

---

[1] Ушбу сўз бирикмаси луғавий жиҳатдан “Мен шоҳидман ибораси” маъносини билдиради. Бу ўринда мазкур ибора 2 хил талқин этилиши мумкин. Биринчи талқинга кўра, шахснинг муайян масала бўйича шоҳидлиги, яъни гувоҳлик бериши тушунилса, иккинчи шарҳда эса “шаҳодат калимаси”, яъни “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир” деган маъно англашилади. Бизнингча, матнда “лафзи ашҳад” иккинчи маънода қўлланилган.

[2] Олий ва буюк Аллоҳ номи билан қасам

[3] Мазкур сўзни “ваколати доирасида бўладими?”, деган маънода шартли равишда таржима қилиш мумкин.

[4] Шаҳодат калимаси қасамни ҳам билдириши борасида Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф томонидан ҳам фикр билдирилган. Қаранг: [14].

[5] Бизнинг тахминимиз бўйича, мазкур асар муаллифи Носируддин Самарқандий (ваф. 1161) ҳисобланади. Унинг фаолияти ва худди шу номдаги асари ҳақида батафсил қаранг: [6].

Архив йиғмажилди таркибидан ўрин олган, вақф масаласига бағишланган мазкур 5 та фатво ҳужжатларининг ҳар бири биттадан то еттитагача муҳрлар билан тасдиқланган. Юқорида таржимаси берилган ҳужжатда эса 4 та муҳрни кўриш мумкин. Улар орасида бир нафар аълам, бир нафар раис ва икки нафар муфтий муҳрлари учрайди. Мазкур ҳужжатда гарчи унинг тузилган вақти одатдагидек қайд қилинмаган бўлса-да, бироқ мавжуд муҳрларда акс этган йиллар асосида унинг 1340/1922 йилда ёки ундан кейинги даврда расмийлаштирилган, деб ҳисоблаш мумкин. Бироқ қолган 4 та ҳужжатдаги муҳрлар таҳлили уларнинг XIX асрда тузилганлигига ишора қилади.

Юқоридаги фатво ҳужжати асосида Хива хонлиги вақф мулкчилиги муносабатларида вақфномани тиклаш тартиби ва вақф мулкининг ҳуқуқий асослари ва шартларини белгилаш ҳамда вақфномани қайта тузиш билан боғлиқ ҳуқуқий жиҳатларни аниқлаш имконияти юзага келади. Табиийки, фатво ҳужжатининг ўзи муайян масала борасида берилган фиқҳий кўрсатманинг амалиётда аниқ қўлланилганини акс эттирмайди. Кейинги жараённи кузатиш учун вақфнома ёки вақфга оид бошқа турдаги ҳужжатларга эҳтиёж сезилади. Шундан келиб чиқиб, шу вақтгача биз ўрганган ҳужжатлар орасида “лафзи ашҳад” орқали вақф мулкининг қайта тиклаш ҳақида ҳужжатлар ҳам аниқланганини алоҳида қайд этиш лозим. Масалан, 1340/1922 йилда қайта тузилган вақф ҳужжатида: “*...ахбор қилдилар, лафзи ашҳад билан Домулла Абдулкарим қори охунд Кўҳна қалъали Маликабика алайҳо ал-роҳманинг масжид қавмидан, маъруф валад Домулла Муҳаммадкарим валад Муҳаммадшариф махзум валад Мулла Муҳаммадкарим қорибоши ва Мулла Муҳаммадюсуф қори мазкур қавмдан, маъруф валад Аллоҳберган ва уста Раҳмонберган мазкур қавмдан, маъруф валад Эрнафас сўфи ахборлари бу тариқадаки, ҳаммаги ва тамоми тахминан бир таноб мазкур масжиднинг мавқуфа ерики....*” деган жумла ҳужжат санасидан кейин келган [11: 1]. Ушбу ҳужжат мазмунига кўра, 3 та шахс гувоҳ сифатида шаҳодат калимаси билан Хиванинг Гандумкон мавзеида жойлашган 1 таноб ер воқифа Маликабика томонидан унинг ўз номи билан аталувчи масжидга бир неча йил олдин вақф қилинганига иқрор бўлганлар. Шуниндек, улар воқифа қиёмат кунигача мутавалли лавозимига масжид имомини тайинлагани ва вақф ерининг корандаси (ижарачиси) сифатида ҳам имомни белгилаганига гувоҳлик берганлар. Матннинг асосий қисми: “*...ҳозирда, шу ҳудудлари келган [ер]нинг вақфномаси йўқ бўлгани сабабли илтимос қилурмизким, шу ҳудудлари келган [ер]га янгидан вақфнома расмийлаштириб берсалар, деб шундан сўнг, уларнинг илтимослари қабул қилиниб, қозилик ваколати билан*

вақфнома тайин этилиб амр қилинди: ҳар кимсаким, ушбу масжид имоми бўлса, ўша шахс [вақфнинг] мутавалли ва корандаси бўлиб, мазкур вақф қилинган ердан ҳар қандай турдаги даромад ҳосил бўлса, қадим дастури бўйича [уларни] олиб, ўз эҳтиёжига сарф қилсин, деб...” жумласи билан якунланган [11: 1]. Мазкур вақф ҳужжатидан шу нарса маълум бўладики, вақф мулки ва вақфномани тиклаш жараёнида гувоҳлар вақф мулки билан боғлиқ шартларга ҳам шоҳидлик йўли билан аниқлик киритишлари мумкин бўлган. Бундай шароитда қози ушбу вақф шартларига таяниб янги вақфномани тасдиқлаб берган.

Бошқа бир вақфномадан маълум бўлишича, Хива шаҳрида жойлашган Саййид Ниёзбой шоликор мадрасаси меъморий мажмуасига тегишли вақфнома ва вақф мулки билан боғлиқ шартлар Хива хони Аллоҳқулихон (1794–1842) даврида хоннинг шахсан ўзи томонидан қайта тикланган [9: 97–98]. Яна бир эътиборли жиҳати, вақфнома матнининг ўзида ҳам фиқҳий ҳукм ва у олинган манба “Жоме ал-фатово” асарининг алоҳида қайд этилганлигидир [12]. Демак, шу икки вақфномаларга таяниб фатво ҳужжатларида акс этган назарий-ҳуқуқий асос Хива хонлиги вақф амалиётида ҳам кенг қўлланилган, деган хулосага келиш мумкин.

Умуман олганда, Хива хонлиги бошқарув тизими, хусусан, қозилик амалиётида муфтийлар ролини тадқиқ этишда бирламчи манбаларнинг ўзига хос хусусиятини инобатга олиш муҳим аҳамият касб этади. Ўз даврида яратилган хорижий адабиётларда аксарият муаллифлар томонидан бир томондан уларгача ғарбда шаклланиб улгурган нохолис билимлар тизими ва ўрнашиб қолган қолип таъсирида бошқа шарқ мамлакатлари каби Хива хонлигини тасвирлашга уриниш, иккинчи томондан улар асарларида ғарбнинг доминант позициясидан келиб чиқиб хонликни ривожланишдан тўхтаган, қолоқ давлат сифатида кўриш ҳоллари намоён бўлади. Шундай бўлса-да, мазкур турдаги адабиётлар аҳамиятини инобатга олиб, улардан Хива хонлиги суд тизимининг таркибий қисми – муфтийлар фаолиятини ёритишда маҳаллий манбалар билан қиёсий таҳлил қилган ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, фатво ҳужжати ва у билан боғлиқ турли қозилик ҳужжатларини биргаликда тадқиқ этиш нафақат вақф мулкчилиги ва бошқа ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг ҳуқуқий асосини, балки қозилик маҳкамаларининг ишлаш тартиби ва ушбу жараёнда муфтийларнинг ўрнини аниқлаш имконини беради. Ушбу ҳолат, ўз навбатида, ҳукм чиқариш бобида қозиларнинг мутлақ мустақил бўлганлиги ҳақидаги баъзи қараш ва хулосаларни қайта кўриб чиқиш заруриятини ҳам келтириб чиқаради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Архив востоковедов ИВР РАН. Ф. 33, оп. 1, ед. хр. 10.
2. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. Описание похода из Тегерана через Туркменскую степь по восточному берегу Каспийского моря в Хиву, Бухару и Самарканд, совершенной в 1863 году Арминием Вамбери, членом Венгерской Академии. Перевод с английского. Санкт-Петербург, 1865.
3. Военно-статистическое описание Хивинского оазиса, составленное Генерального штаба капитаном Гиршфельдом, переработанное начальником Аму-Дарьинского отдела генерал-майором Галкиным. Ч. 2. Ташкент, 1903.
4. Каримов Э.Э. Регесты казийских документов и ханских йарлыков Хивинского ханства XVII – начала XX в. Ташкент, 2007.
5. Каталог хивинских казийских документов XIX – начало XX вв.: Составители: А.Урунбаев, Т.Хорикава, Т.Файзиев, Г.Джураева, К.Исогай. Ташкент–Киото, 2001.
6. Мухтаров Б. Носируддин Самарқандийнинг “Жомиъ ал-фатаво” асари ҳанафий фиқҳига оид муҳим манба // Имом Бухорий сабоқлари. Тошкент, 2019. № 4. Б. 33–36.
7. Чехович О.Д. Черты экономической жизни Мавераннахра в сочинениях по фикху и шуруту / Ближний и Средний Восток. Товарно-денежные отношения при феодализме. Москва, 1980. С. 220–230.
8. Юсупов М.С. Суд в Бухаре. Судоустройство и судопроизводство в Бухарском эмирате в конце XIX – начале XX в. / Текст и вводная статья: Ульфат Абдурасулов и Паоло Сартори. Ташкент–Вена, 2016.
9. Якубов Қ. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Хива хонлигида вақф институти (тарихий-манбашунослик таҳлили). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2018.
10. Ўзбекистон Миллий архиви, И-125-фонд, 1-рўйхат, 495-йиғмажилд.
11. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, 3-йиғмажилд, 4-ҳужжат.
12. Hallaq W.B. Sharīʻa: Theory, Practice, Transformations. Cambridge, 2009.
13. https://islom.uz/maqola/7995.
14. Isogai K. Seven Fatwa Documents from Early 20th Century Samarqand: The Function of Mufti in the Judicial Proceedings Adopted at the

Central Asian Islamic Court // Annals of Japan Association for Middle East Studies. Tokyo, 2011. №1(27). P. 259–282.
15. Muḥammad Riżā Mīrāb Āgahī. Jāmi‘ al-vāqi‘āt-i sulṭānī/ Edited in the original Central Asian Turki with an introduction and notes by Nouryaghdi Tashev. Samarkand–Tashkent, 2012.
16. Muḥammad Riżā Mīrāb Āgahī. Zubdat al-tavārīkh. Edited in the original Central Asian Türki with an Introduction and Notes by Khilola Nazirova. Tashkent–Samarkand, 2016.
17. Pickett J. Polymaths of Islam: Power and Networks of Knowledge in Central Asia. New York, 2020.
18. Said E.W. Orientalism. New York, 1978.
19. Sartori P. Between Kazan and Kashghar: On the Vernacularization of Islamic Jurisprudence in Central Eurasia // Die Welt des Islams. Leiden, 2020. №2(61). P. 216-246.
20. Sartori P., Abdurasulov U. Seeking Justice at the Court of the Khans of Khiva (19th - early 20th Centuries). Volume 38. Leiden, 2020.
21. Schacht J. An introduction to Islamic law. Oxford, 1964.
22. Welsford T., Tashev N. A Catalogue of Arabic-Script Documents from the Samarqand Museum. With the assistance of M. Ismoilov and H. Aminov. Samarqand, 2012.

Қ. Якубов

Хива хонлиги фатво ҳужжатлари: репрезентация, қозилик амалиёти ва манбашунослик таҳлили

Мақола Хива хонлиги қозилик амалиётида муфтийлар роли ва фаолиятига бағишланади. Дастлаб мавзу тарихшунослиги, мавжуд адабиётларнинг таснифи ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилади. Хусусан, Хива хонлиги даврида яратилган хорижий мутахассислар асарлари муаммо тадқиқотида бирламчи манба сифатида кўрилса-да, бироқ уларнинг аксарияти учун “ориенталистик” ёндашув умумий бўлганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Мазкур хорижий адабиётлар орқали асосан қозилик мансаби турлари ва қозининг ваколат доираси ёритилган бўлса, тарихий ҳужжатлар асосида эса ҳукм чиқаришда фатвонинг ўрни ва унинг амалиётда қўлланилиши очиб берилган. Шунингдек, тадқиқотда вақфга оид фатво ҳужжати манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил этилган бўлиб, унда акс этган фиқҳий кўрсатма вақф муносабатларида амалда бўлганлиги аниқланган вақфномалар

орқали исботланган. Гарчи мазкур фатво ҳужжатидаги муҳр маълумотлари унинг Хива хонлиги тугатилгандан кейинги даврда тузилганлигига ишора қилса-да, бироқ ушбу ҳужжат янги сиёсий маконда ўзининг анъанавий ички ва ташқи белгиларини тўла сақлаб қолгани билан эътиборга моликдир.

Калит сўзлар: *Хива хонлиги, қозилик амалиёти, муфтий, "ориентализм", фатво ҳужжати, ҳукм, вақф муносабатлари.*

К. Якубов

Документы фетвы Хивинского ханства: репрезентация, судебная практика и источниковедческий анализ

Статья посвящена роли и деятельности муфтиев в судебной практике Хивинского ханства. Осуществлен анализ историографии данной темы и классификации существующей литературы и их специфической особенности. В качестве первоисточников в изучении проблемы рассматриваются труды зарубежных специалистов, являющиеся первоисточниками и написанные, начиная со второй половины XIX века, несмотря на то, что в них в основном освещались виды казийской должности и переделы полномочий *казия*, а местные исторические документы служили для раскрытия роли фетв в вынесении приговоров и ее применении на практике. Также в ходе исследования был проанализирован документ-фетва о вакфе с точки зрения источниковедения, и соответствующими документами доказано, что отраженное в нем юридическое заключение имело место на практике в вакфных отношениях. Хотя печати на данном документе свидетельствуют о том, что он был составлен уже после падения Хивинского ханства, при этом, он полностью сохранил свои традиционные внутренние и внешние черты, характерные для предшествующей эпохи.

Ключевые слова: *Хивинское ханство, судебная практика, муфтий, «ориентализм», фетва, приговор, вакфные отношения.*

Q. Yakubov

Fatwa documents of the Khanate of Khiva: representation, judicial practice and analysis of source studies

The article is devoted to the role and activities of muftis in the judicial practice of the Khanate of Khiva. Firstly, the historiography of this issue, the conditional classification of the sources and their features are analyzed. Although the works of foreign specialists that date back to the period of the Khanate are considered as primary sources in the study of the problem, it is worth noting that most of them were characteristic "orientalism" approach. In addition, the types of the *qāḍī* position and the scope of the powers of the *qāḍī* are illustrated mainly on the basis of these foreign literatures, whereas local historical documents serve to reveal the role of the fatwa in the process of adjudication and its application in practice. Moreover, in the course of the study, the fatwa document on waqf is analyzed from the perspective of source study, and on the basis of relevant documents it is proved that the non-binding advisory opinion was implemented in waqf relations. Although the information about the seal on this document indicates that it was compiled after the fall of the Khanate of Khiva, however the fatwa document is remarkable in that it has completely preserved its traditional internal and external features, which were typical of the previous era in the new political space.

Key words: *The Khanate of Khiva, judicial practice, mufti, "orientalism", fatwa, verdict, waqf relations.*